

**“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ**

2023 йил 28 сентябрь

№ 04/2023

Тошкент шаҳри

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 28 сентябрь 2023 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

А.Эргашев – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги “O‘zagrolizing” АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-198-сонли қарорида жамият фаолиятини диверсификациялаш учун халқаро молия институтларининг йилига 100 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда паст фоизли ва узоқ муддатли маблағлари тўғридан-тўғри жалб этилишини йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Ушбу топшириқ юзасидан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 319-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан А.Эргашев – умумий йиғилиш раиси, А.Насирдинов ва Ш.Махмудов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
- 3. “O‘zagrolizing” AJ томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга жамиятнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклинни тасдиқлаш.**
- 4. “O‘zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси”ни тасдиқлаш.**
- 5. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича қўйидаги ҳисобот ва ахборотлар эши билди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 319-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон кизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очик овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Саноқ комиссияси раиси этиб Д. Курбанбаев сайланганлиги тўғрисидаги 2023 йил 28 сентябрдаги 1-сонли баённома умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 37 625 484 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 1 та акциядори ва унинг вакили қатнашаёттандиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 600 906 дона)нинг 90,44 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисида 2023 йил 28 сентябрдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қўйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокараага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. “O’zagrolizing” AJ томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга жамиятнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 03/09-2-17/3005-сонли топшириқ хати билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки эксперtlари

томонидан ишлаб чиқилган Далат иштирокидаги корхоналар учун **янгиланган Корпоратив бошқарув қоидалари** тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш масаласини жамият бошқарув органларида кўриб чиқиш сўралаганини таъкидлади.

Ушбу масала жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 319-сонли йиғилиш қарори билан маъқулланиб, тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокасига киритилган.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

4. “O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси”ни тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 03/09-2-17/3005-сонли топшириқ хати билан билан жамиятнинг “Ахлоқ кодекси”ни (намунавий шакли давактив агентлиги томонидан тақдим этилган) ишлаб чиқиш ва жамият бошқарув органларида кўриб чиқиб тасдиқлаш сўралгани билан таништириди.

Юқоридаги топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ижро органи томонидан “O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси”ни лойиҳаси ишлаб чиқилиб жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 319-сонли йиғилиш қарори билан маъқулланиб, тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокасига киритилган. (“O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси”лойиҳаси илова қилинади).

“O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси” жамият ходимлари иш фаолиятида амал қилиши лозим бўлган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, ходимлар хатти-харакатларини таритбга солувчи ҳужжат бўлиши таъкидланди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

5. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва иирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуqlарини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этилиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кун муддатда ушбу битимларни ўрганиб, уни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вакт сарф этилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуqlарини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88-моддаси саккизинчи қисмида, ... акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият

томунидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишига ҳақли эканлиги белгланган.

Умумий йигилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

Умумий йигилиш раиси А.Эргашев умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар ўз ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д. Курбанбаев умумий йигилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2023 йил 28 сентябрдаги З-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 1 дона бюллетен тарқатилди ва 1 дона бюллетен йифиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаганлар – 37 625 484 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаганлар – 37 625 484 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар- йўқ.

3. “O’zagrolizing” AJ томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Коидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Коидаларга жамиятнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаганлар - 37 625 484 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар -йўқ.

4. “O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси”ни тасдиқлаш.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаганлар - 37 625 484 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар -йўқ.

5. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаганлар - йўқ, қаршилар - 37 625 484 дона акциялар (100%), бетарафлар -йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йигилиш

томонидан маълумот учун қабул қилинди (Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмокда).

“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби З кишидан, аъзолари эса Курбанбаев Дилшод Мақсадбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансан.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансан ва унга мувофиқ:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. “O’zagrolizing” AJ томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга жамиятнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шакли иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. “O’zagrolizing” AJ “Ахлоқ кодекси” иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш масаласи рад этилсин.

Умумий йиғилиш раиси

А.Эргашев

Котиб

Б. Валиев

Баён тузилган сана: 2023 йил «6» октябрь